БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши
№ 75 (2108).
15 АПРЕЛЬ
ЯКШАНБА
1962 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Яшасин халқнинг синалган авангарди, совет жамиятининг коммунизм қуриш учун курашдаги раҳбар ва етакчи кучи—Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1962 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик куни—1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

4. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, коммунистик жамият қуришнинг улуғ программасини амалга оширишга қаратилсин!

Коммунизм ғалабаси сари, олға!

5. Яшасин улуғ революцион таълимот, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли—марксизм-ленинизм!

6. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди—қардош коммунистик ва ишчи партияларига оташин салом!

Яшасин бутун дунё коммунистлари улуғ армиясининг бузилмас бирлиги ва жипслиги!

7. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

8. Барча мамлакатлардаги ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашдаги ҳаракат бирлиги, жанговар бирдамлиги мустаҳкамланаверсин!

9. Жаҳон халқлари! Мустамлака қуллигининг шармандали системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун курашингиз! Барча мустамлака мамлакатлар ва халқларнинг дарҳол ва ҳеч сўзсиз озод қилинишига эришингиз!

10. Барча мамлакатларнинг халқлари! Сизлар тинчлик учун курашда ҳал қилувчи кучдирсиз! Ҳушёр бўлинглар, уруш оловини ёқувчи империалистларни—инсоният душманларини фош қилинглар!

11. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ёппасига ва батамом қуролсизланиш — тинчлик ва хавфсизликнинг гарантиясидир. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун активлик ва қатъият билан курашингиз!

12. Барча мамлакатларнинг халқлари! Немис реваншчиларини ракета-ядро қуроли билан қуроллантиришга қарши кескин курашингиз! Германия сулҳ шартномасини тезроқ тузишни ва Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантиришни талаб қилингиз!

13. Ўз халқларининг озодлиги ва бахт-саодати учун курашган, капиталистик мамлакатларнинг тюрьмаларида азоб тортиб ётган мард курашчиларга қизғин салом! Реакция қурбонларига, капитал тутқунларига озодлик берилсин!

14. Яшасин халқаро ишчилар синфининг фарзанди социализм ва коммунизм йўлидан бораётган озод, суверен халқларнинг қудратли ҳамдўстлиги бўлган жаҳон социалистик системаси!

15. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи билан Хитой улуғ халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

16. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

17. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва герман халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

21. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қуриш йўлига тушиб олган, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилаётган Кубанинг қаҳрамон халқига қардошлик саломи!

Совет Иттифоқи ва Куба халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

27. Югославия Федератив Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

28. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

29. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

30. Тинчлик, бетарафлик ва ўз мамлакатининг мустақиллиги учун курашаётган Лаос халқига қизғин салом!

31. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

32. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

33. Империалистларнинг кирдикорларига қарши, мустамлакачиликни батамом тугатиш учун, ўз мамлакатларининг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, миллий экономикани ва маданиятни ривожлантириш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

34. Озод мустақил Жазоир давлатини барпо қилиш йўлида жуда катта ғалабага эришган мард Жазоир халқига қизғин салом!

Совет Иттифоқи ва Жазоир халқлари ўртасидаги дўстлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

35. Мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган Африкадаги озод давлатларнинг халқларига қизғин салом!

36. Конго давлатининг мустақиллиги ва бирлиги учун, мустамлакачиларнинг кирдикорларига қарши курашаётган Конго халқига қизғин салом!

37. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

38. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

39. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом! Совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин!

40. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

41. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

42. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

43. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

44. Ўз территориясидаги Америка ҳарбий базаларига қарши, мамлакатнинг мустақил ва демократик ривожланиши учун, барча қўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

45. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати—ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши, тинчлик ва халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳурматлаш, кенг иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

46. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган, тинчликни, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқлаётган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

47. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришингиз, замонавий техникани ва қурол-яроғларни кунт билан эгаллангиз, ҳарбий интизомга оғишмай амал қилингиз, ҳушёрликни ва жанговар тайёргарликни бутун чоралар билан оширингиз!

48. СССРда коммунизм қуришнинг ҳал қилувчи кучи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи яшасин ва мустаҳкамлансин!

49. Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч-қудрат ва равнақ манбаи бўлган СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

50. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм халқнинг қўли, ғайрати ва ақл-идроки билан қурилади! Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга!

51. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Зўр бериб ишлаб, капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада тарихан энг қисқа муддат ичида ғалаба қозонайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик ва ўзиб кетайлик!

52. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Етти йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенгайтирингиз! Етти йиллик тўртинчи йилининг планини муддатидан олдин бажарайлик!

53. Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорларига ва новаторларига шон-шарафлар! Энг яхшиларнинг тажрибасини ҳамма меҳнаткашлар орасига ёйайлик!

54. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратини янада ўстиришнинг ва халқ турмушини жаҳонда энг юксак даражага етказишнинг асоси бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

Ҳамма марса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!

55. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради! Коммунизм қурувчиларининг «Ишламаган—тишламайди» деган принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!

56. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Меҳнат унумдорлигини зўр бериб оширингиз! Комплекс механизацияни ва автоматлаштиришни жорий қилингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадил жорий қилингиз!

57. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан энг оқилона ва тежаб фойдаланиш учун курашингиз! Ресурсларни ишга тушириладиган энг муҳим қурилишларга сарфлангиз!

58. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлаб чиқаришнинг барча сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун, хом ашёни, электроэнергияни, металл ва ёқилғини тежаш учун, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашингиз! Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг оммавий ҳаракатини ривожлантирингиз!

59. Оғир индустрия ходимлари! Техника тараққиётининг ва мамлакат иқтисодий қудратининг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг асоси бўлган оғир саноат ишини янада яхшилаш учун курашингиз!

60. Совет металлурглари ва кончилари! Ишлаб чиқариш техникасини ва технологиясини такомиллаштирингиз! Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланингиз! Янги руда конларини тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ руда, чўян, пўлат, прокат, трубалар, рангли ва нодир металлар берайлик!

61. Совет энергетиклари, электростанцияларнинг ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Электрлаштириш—коммунистик жамият экономикасининг ўзагидир. Электроэнергия ишлаб-чиқариш суръатларини жадаллаштиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини пасайтирингиз!

62. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Иш унуми юксак бўлган энг янги ва тежамли машиналар ва асбобларни, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш учун зўр бериб курашингиз!

63. Нефть ва газ саноати ходимлари! Геология-қидириш ва пармалаш ишлари, янги конларни ўзлаштириш суръатларини оширингиз. Нефтни қайта ишловчи заводларнинг қувватларини кўпайтирингиз, нефть маҳсулотларининг сифатини оширингиз! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

64. Кўмир саноати ходимлари! Кўмир қазиб чиқаришни комплекс механизациялашни ва самарали усулларини кенг жорий қилингиз! Кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

65. Химия саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Химиявий хом ашёдан яхши ва арзон молларни кўпроқ ишлаб чиқарайлик! Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғитлар берайлик!

66. Совет бинокорлари! Қурилиш индустриясини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Янги корхоналарни, уй-жой биноларни, мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасаларини қуриш суръатларини ва сифатини оширингиз! Пишиқ, чиройли ва тежамли бинолар ва иншоотлар қурингиз!

67. Қурилиш материаллари саноати ходимлари! Цемент, янги самарали бинокорлик материаллари, йиғма конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз!

68. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

69. Енгил саноат ходимлари! Ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, молларнинг хилини кўпайтирингиз ва сифатини яхшилангиз! Аҳоли учун пишиқ ва чиройли газламаларни, кийимларни, пойафзални, рўзғор буюмларини кўпроқ ишлаб чиқарингиз!

70. Озиқ-овқат саноати ходимлари! Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз, уларнинг сифатини оширингиз ва хилларини кўпайтирингиз!

71. Балиқ саноати ходимлари! Очиқ денгизларда, океанларда ҳамда ички дарё ва кўлларда балиқ овлашни кўпайтирингиз! Балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз!

72. Совет транспорти ходимлари! Темир йўл, денгиз, дарё, автомобиль ва ҳаво транспортини такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни ташиб бериш муддатларини қисқартирингиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

73. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, радио, телевидение, телефон, телеграфнинг нуқсонсиз ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

74. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини янада зўр куч билан юксалтириш—коммунистик қурилишнинг зарбдор фронтидир, бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир!

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашингиз!

75. Қишлоқ хўжалик ходимлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари ва мутахассислари! Ҳар бир колхоз ва совхозга раҳбарликни яхшилангиз! Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги системасидаги афзалликлардан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмок учун тўла фойдаланингиз!

76. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни намунали ўтказмоқ учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни шу йилнинг ўзидаёқ анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдирингиз!

77. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Ўт-далали системани қатъиян йўқотингиз! Деҳқончиликнинг энг интенсив системаларини дадиллик билан амалга оширингиз! Серҳосил экинларни кенг жорий қилиш учун, ҳар бир гектар ерга кам харажат қилган ҳолда энг кўп маҳсулот олиш учун зўр бериб курашингиз!

78. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Дон етиштиришни кўпайтириш — қишлоқ хўжалигини юксалтириш асосларининг асосидир. Буғдой, маккажўхори, нўхат, тариқ, гречиха ҳамда бошқа дон ва дуккакли дон экинларининг ҳосилдорлигини зўр бериб оширингиз!

79. Ўртоқ колхозчилар ва совхоз ходимлари! Совет халқига кўпроқ гўшт, сут, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар бериш сизнинг бурчингиздир. Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, чорва моллар маҳсулдорлигини оширингиз!

Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтирингиз, маккажўхори, қанд лавлаги, сабзи ва дуккакли экинлардан мўл ҳосил олиш учун курашингиз!

80. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева, резавор, узум, чой етиштиришни кўпайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз!

81. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ механизаторлари! Фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини, комплекс механизация ва электрлаштиришни қишлок хўжалигига зўр бериб жорий қилингиз! Мавжуд техникани асрангиз ва яхши ишлатингиз!

82. Колхозчилар! Колхоз тузумининг афзалликларидан бутун чоралар билан фойдаланингиз, жамоат хўжалигини мустаҳкамлангиз, колхоз демократиясини ривожлантирингиз!

Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактабидир!

83. Қўриқ ерларнинг меҳнаткашлари! Дондан муттасил мўл ҳосил олишга эришингиз! Жамоат чорвачилигини ва паррандачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашингиз!

84. Совет савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини яхшироқ ўрганингиз ва тўлиқроқ қондирингиз!

85. Совет муассасаларининг ходимлари! Давлат аппаратининг ишини янада яхшилашга эришингиз, омма орасида ташкилотчилик ишини кучайтирингиз! Бюрократизмни йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!

86. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Янги кашфиётлар ва тадқиқотларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишга эришингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлангиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

87. Совет космонавтларининг қудратли космик кемаларда тарихда биринчи бўлиб Ер шари атрофини айланиб учиб зафарлар қозонишини таъминлаган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Қаҳрамон совет космонавтларига шон-шарафлар!

88. Адабиёт ва санъат арбоблари! Совет кишисининг қаҳрамонона ишлари улуғлиги ва гўзаллигини ўз асарларингизда ёрқин акс эттирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун, адабиёт ва санъатни халқ ҳаёти билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан маҳкам ва чамбарчас боғлаш учун курашингиз.

89. Матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Партиянинг улуғ иши учун, коммунистик идеалларни, фан муваффақиятлари ва илғорлар тажрибасини амалга ошириш учун актив курашчи бўлингиз!

90. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, мактабнинг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғланиши учун курашингиз! Ёш авлодни меҳнатсеварлик, коллективизм, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

91. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлашни яхшилангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

92. Яшасин умумхалқ социалистик давлатимиз! Яшасин меҳнаткашлар депутатлари Советлари—чинакам халқ ҳокимияти органлари!

Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

93. Совет касаба союзлари! Коммунизм қуриш учун курашда ишчилар синфининг ва интеллигенциянинг активлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Омманинг коммунистик онглилигини ошириш тўғрисида, ишчилар ва хизматчиларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби—совет касаба союзлари!

94. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари—совет хотин-қизлари!

95. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди—Ленин комсомоли!

96. Йигитлар ва қизлар! Коммунистларча ишлаш ва яшашни ўрганингиз! Революцион традицияларнинг содиқ давомчилари, коммунизмнинг онгли қурувчилари бўлингиз, Ватанимизни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр турингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

97. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни кунт билан эгаллангиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

98. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

99. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзидаги ҳамма халқларнинг бахт-саодати ва тинчлиги учун мард ва жасур курашчи улуғ совет халқига шон-шарафлар!

100. Социалистик тузум кучининг ва енгилмаслигининг манбаи, коммунизм қуришда янгидан-янги муваффақиятларнинг гарови бўлган партия билан халқнинг бузилмас бирлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

101. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

102. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

103. Яшасин халқнинг синалган авангарди, совет жамиятининг коммунизм қуриш учун курашдаги раҳбар ва етакчи кучи—Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

104. Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

***СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.***

